

**TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK  
UNIVERSITETI**

**SHARQ FALSAFASI VA GERMENEVTIKA  
KAFEDRASI**



**"SHARQ ALLOMALARI YOZMA  
MERO SINING ILMIY, FALSAFIY,  
MA'NAVIY TAFAKKURDAGI O'RNI"**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
ANJUMANI MATERIALLARI**

**TOSHKENT - 2025**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR  
VAZIRLIGI  
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK  
UNIVERSITETI**

**SHARQ ALLOMALARI YOZMA MEROSINING  
ILMIY, FALSAFIY, MA'NAVIY  
TAFAKKURDAGI O'RNI**

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi  
materiallari**

**Toshkent – 2025**

**SHARQ ALLOMALARI YOZMA MEROSINING ILMIY, FALSAFIY, MA’NAVIY  
TAFAKKURDAGI O’RNI.** Ilmiy maqolalar to‘plami. Toshkent:TDSHU. 2025. 400 b.

Ushbu ilmiy maqolalar to‘plami O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 27-dekabrdagi 490-sonli buyrug‘ida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash maqsadida 2025-yil 26-aprelda Toshkent davlat sharqshunoslik universitetida “**Sharq allomalari yozma merosining ilmiy, falsafiy, ma’naviy tafakkurdagi o’rni**” mavzusida Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari asosida tuzilgan.

**Mas’ul muharrir:**  
PhD, dotsent **J.B. Sulaymonov**

**Nashrga tayyorlovchi:**  
PhD. **L.A. To‘rayev**

**Taqrizchilar:**  
falsafa fanlari doktori, professor **E.M. Izzetova**  
falsafa fanlari doktori, professor **J.S.Ramatov**

Toshkent davlat sharqshunoslik Universitet Kengashi  
tomonidan nashrga tavsiya etilgan  
(2025-yilning 3-mayda bo‘lib o‘tgan 9-sonli majlis qarori).

© Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, 2025.

3. Maurice de Wulf. History of Medieval Philosophy. – London: Forgotten books, 2018.
4. Tafsiri hilol // Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf tafsiri. №3. – Toshkent, 2006.
5. Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.1. Ред. В. Ф. Асмус. – М.: Мысль, 1976.
6. Аристотель. Физика/ пер. Карпов В.П. Т. 4. – М.: Эксмо-Пресс; Харьков: Фолио, 1999.
7. Платон. Тимей / Собрание сочинений в 4-х томах, Т. III. – М.: Мысль, 1990.
8. Сагадеев А. В. Ибн Рушд (Аверроэс). – М.: Мысль, 1973.
9. ابن رشد. فصل المقال فيما بين الحكمة والشريعة من الاتصال (Hikmat va shariat o'rtasidagi ). القاهرة, 2007. (uyg'unlik haqida risola).

## **МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАСИ “РАБИЙ УЛ-АБРОР” АСАРИ МИСОЛИДА**

**Tўраев Лазиз Абдивали ўғли**

*Тошкент давлат шарқшунослик университети  
Шарқ фалсафаси ва герменевтика кафедраси доценти в.б, PhD.  
<https://orcid.org/0000-0003-3666-6229>*

Дунё шарқшунослигига шарқ алломаларининг илмий ва маънавий меросини, уларнинг ижодини ва илм-фан тараққиётига қўшган хиссаларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга бўлган диққат ва эътибор тобора кучаймоқда. Хусусан, шарқ мутафаккирларининг дунёнинг турли олтин фондларида сақланаётган илм-фанинг турли соҳаларига оид асарлари асосида, қолаверса уларнинг қўлёзмалари устида салмоқли амалий ишлар бажарилмоқда.

Мазкур амалий ишларга Янги Ўзбекистонда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-126-сонли қарори [1] алоҳида аҳамиятга эга. Қарорда, Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг қўплаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мухим аҳамият касб этиши, таъкидланган. Шу жиҳатдан шарқ алломалари илмий мероси билан боғлиқ тадқиқотларни бажариш, бу орқали алломаларнинг дунё тамаддунига қўшган улушлари эътироф этиш, буюк аждодларга муносиб авлод учун ҳам қарз ҳам фарзdir.

Европа мамлакатларида алломалар меросига анча жиддий эътибор қаратилади, ҳатто шарқ мамлакатлари, хусусан яқин шарқ мамлакатлари олимлари ҳам айнан қадимги қўлёзмалар борасидаги тадқиқотларини Европа илмий марказлари ва илмий ташкилотларида олиб борганлар. Мана шундай марказлар алоҳида IX-XII асрларга оид асарларни ўрганиш учун ташкил

қилинганигини таъкидлаш зарур. Европа мамлакатларида, хусусан, Буюк Британия, Германия, Фонация, Нидерландия каби мамлакатларида қадимги қўлёзмалар билан боғлиқ илмий изланишлар ва диссертация тадқиқотлари жуда кўп амалга оширилган.

Европа мамлакатларида бундай тадқиқотларниң кўплиги:

Биринчидан, Европада айниқса, ўрта аср шарқ алломаларниң асарлари рўйхати келтирилган катта ҳажмли ва йирик каталоглар жуда кўплаб нашр қилинган;

Иккинчидан, қадимги қўлёзмаларниң кўплаб нусхалари Европанинг турли фондларида сақланаётганлиги билан англашилади;

Учинчидан, ҳар қандай тадқиқотга танқидий ёндашувнинг мавжудлиги, натижада салмоқли илмий тадқиқотларни вужудга келтиради;

Тўртинчидан, ислом илмларига қизиқиши ва бу илмга нисбатан лингвистик, адабий, сиёсий ва тарихий нуқтаи назардан ёндашув бир мунча устунлик қилган;

Бешинчидан, шарқшунослик соҳасининг матнли ва тилшунослик анъаналарига бўлган эътиборнинг кучли эканлиги билан боғлиқдир.

Мазкур сабаблар оқибатида Европа мамлакатларида ўрта аср мусулмон шарқи алломалари асарларининг илмий-танқидий матнлари тузилишга катта эътибор берилган, бундай матнлар асосида кенг қамровли илмий тадқиқотлар ва диссертациялар амалга оширилган. Бу тадқиқотларниң аксарияти юқорида санаб ўтилган илмий марказларда амалга оширилган.

Шарқ мамлакатларида ўрта аср мусулмон шарқи алломаларининг айниқса, маънавий меросига кўп эътибор қаратилади. Уларниң асарларини ўрганиш натижасида, инсон камолоти, маънавияти ва маърифатига хизмат қилиши билан боғлиқ бўлган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилади. Шарқда алломалари илмий мероси билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар борасида қадимги қўлёзмаларниң замонавий нашрларига кўп эътибор берилади. Бу замонавий нашрларниң аҳамияти қўйидагиларда қўриш мумкин:

Биринчидан, қўлёзма ўқишига қийналадиган ёки сулс, насх, настаълиқ каби хат турларини яхши ўзлаштиргмаган ёш тадқиқотчиларга асарни ўқиши имконини беради;

Иккинчидан, шарқ, айниқса, яқин шарқ мамлакатларидан нашр қилинган айнан бир қўлёзма асарнинг замонавий нашр бошида, асар муаллифи ҳақида батафсил, ҳаёти, оиласи, ақидаси, илмий мероси, устозлари, шогирдлари каби маълумотлар бериб борилади;

Учинчидан, аксар қўлёзмаларда бугунги кундагидек, ҳаволалар ёки маълум бир атаманинг маъноси ҳақидаги маълумотлар келтирилмайди, айнан замонавий нашрларниң аксарида, алломалар қандай асардан фойдаланганларни, атамаларниң изоҳлари, атоқли кишиларниң ким эканлиги тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилади.

Бу хусусиятлар, кейинги тадқиқотлар учун асосий манба вазифасини ўтайди.

Шунингдек, шарқда амалга оширилган монографик тадқиқотларда, айнан бир алломанинг барча асарлари рўйхати (топилган ва топилмаганлари алоҳида рўйхати қилинади) мазкур асарларниң қўлёзма нусхалари қаерда ва қайси

инвентарь рақамда сақланиши ҳақида маълумотлар берилади. Бу монографик тадқиқотлар ҳам янги илмий изланишларга, хусусан, манбашунослик соҳасидаги тадқиқотларга катта сабаб бўлади.

Ўзбекистонда шарқ алломаларининг ҳаёти ва уларнинг илмий меросига бўлган қизиқиши ҳамда эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошланган, буни айниқса мустақиллигимизнинг дастлабки йил номларига атоқли алломаларимизнинг номи берилгани билан боғлаш мумкин. Бу йилларда алломалар номи билан кўплаб илмий ва бадиий нашрлар, илмий изланишлар, таржималар амалга оширилган. Қолаверса, айрим кутубхоналар, музейлар, мактаблар ва кўчаларга алломаларнинг номлари ҳам берилгани, алломаларга бўлган ҳурмат ва эътибор белгисидир. Алломаларнинг ҳаёт йўли, бой илмий ва маънавий меросини тадқиқ қилиш, алломалар ижтимоий-ахлоқий дунёқарашини кенг жамоатчиликка ўртасида кенг тарғиб қилиш, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида алломалар юбилей саналарини нишонлаш тўғрисидаги Президент ва ҳукумат қарорлари имзоланмоқда. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш натижасида илм-фан соҳаси учун манбашунос, файласуф, адабиётшунос, тилшунос, тарихшунос каби олимларимизнинг янги илмий тадқиқот ишлари, илмий изланишлари, монографик тадқиқотлари яратилмоқда ва илмий истифода қилинмоқда.

Мамлакатимизда бу каби салмоқли ва фойдали ишларни яратилишида Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ташкилотлар фондларида кўплаб кадимги қўлёзма асарлар, тошбосмалар, шарҳлар ва таржималар сақланмоқда ҳамда ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шунингдек, бу марказлар томонидан ҳалқаро ва республика миқёсида ўтказилаётган анжуманлар, маҳорат дарслари, давра сухбатлари ҳамда нашр қилинаётган монографиялар, таржималар, рисолалар, илмий мақолалар шарқ алломаларининг илмий меросини янада кенгроқ ўрганишда ва уларни кенг омма учун тарғиб масалаларига қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, илм-фанда муносиб ўринга эга, арабларга ўз она тилини мукаммал ўргатган, яъни араб тили грамматикасини тузиб берган, Маҳмуд Замахшарийнинг дунёда машҳур бўлган асари “Рабиъ ул-аброр” асарини ва қўлёзмаларини ўрганилиши ҳақида баъзи мулоҳазаларни келтирамиз.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳори”) асари жамиятдаги турли-туман масалаларга бағишлиб қомусий асардир. Унда кўплаб илм-маърифатга оид фикрлар жамланган. Бу асарнинг ўзига хос хусусияти шундаки асарда нафақат Маҳмуд Замахшарийга тегишли, қолаверса, араб, форс, ҳинд ва туркий ҳалқларнинг турли олимлари, донишмандлари ва маърифатли ҳукмдорларидан иқтибослар келтирилган [2].

Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асари ҳақидаги дастлабки илмий кузатувлар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалга оширила бошланган.

1964 йилда Кембрижнинг Гиртон коллежида ироқлик олим Баҳийжа Боқир Ал-Хусний “Маҳмуд Замахшарий таржимаи ҳоли ва “Рабиъ ал-аброр” асари бир қисмининг танқидий матни” мавзусида PhD диссертациясини ёқлаган [3, 396]. Мазкур тадқиқот 3 боб 17 бўлимдан иборат бўлиб, 3-боби “Рабиъ ал-аброр” асарига бағишланади. Тадқиқотда Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва унинг асарлари ҳақида маълумотлар берилади ҳамда “Рабиъ ул-аброр”нинг 98 бобидан фақат 1-бобининг танқидий матни амалга оширилган. Тадқиқотда асарнинг 49 та қўлёзмаси ҳақида батафсил, шунингдек, асарнинг муҳтасар нусхалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилади. Бу тадқиқотни “Рабиъ ул-аброр” устида илмий изланиш олиб боришни режалаштирган тадқиқотчилар учун жуда муҳим тадқиқот сифатида таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Туркияда ҳам “Рабиъ ал-аброр” асари бўйича айрим тадқиқотлар юзага келди. 2015 йили Ҳусайн Саманжи “Ez-Zemahşerî’nin hayatı ve arap edebiyati alanındaki çalışmaları” (“Аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва араб адабиёти соҳасига оид асарлари”) [4, 89] номли магистрлик ишини ёзди. Бу ишда Маҳмуд Замахшарийнинг адаб илми соҳасидаги хизматлари ва “Рабиъ ал-аброр” асарининг ёзилиш мақсади, асарда фойдаланилган манбалари ҳақида маълумот келтирилади.

2017 йилда яна бир турк олими Ҳасан Ерказан “Zemahşerî’nin eserlerinde bulunan hadîslerin kaynakları” (“Замахшарийнинг ҳадис манбалари асосида ёзилган асарлари”) [5, 273-310] номли мақоласида “Рабиъ ал-аброр” асарида келтирилган ҳадисларга батафсил тўхталиб ўтади. Зеро асарда жуда кўплаб ҳадислардан фойдаланилган.

“Рабиъ ал-аброр” асари бўйича араб оламида ҳам айрим илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ал-Сайд Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Шерозий 2000 йилда “نَكْرَةُ الْأَخْبَارِ فِي تَلْخِيصِ رَبِيعِ الْأَبْرَارِ” “Тазкиратал-аброр фий талхийс Рабиъ ал-аброр” китобини нашрдан чиқарган [6, 257]. Бу китоб “Рабиъ ал-аброр”нинг қисқача мазмуни бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) ҳадисларидан намуналар келтирилади.

Бундан ташқари мисрлик профессор Муҳаммад Усама Ҳасаннинг *منہج الزمخشری فی کتاب ربیع الابرار* “Рабиъ ал-аброр” китобида Замахшарийнинг ёндашуви” [7, 216] номли мақоласи эълон қилинган. Ушбу мақолада асар услуби, унинг ёзилиш мақсади тўғрисида баъзи маълумотлар берилади.

“Рабиъ ал-аброр” асарининг бир нечта замонавий нашрлари ҳам мавжуд. Асарнинг замонавий нашрини биринчилардан бўлиб ироқлик профессор Салим ал-Нуъаймий 1976-1982 йиллар оралиғида асарнинг 4 жилдли [8, 1-4] нашрини, 1992 йил Байрутда ливанлик олим Абдуламир Муҳанна асарни 5 жилдли [9, 1-5] нашрини, 1992 йили Қоҳирада ҳам Абдулмажид Диаб Рамазон Абдул Тавоб шарҳи билан асарнинг яна бир нашрини [10], 2006 йили Байрутда яна бир олим Торик Фатҳий ал-Сайд томонидан “Рабиъ ал-аброр”асарини қайта нашрини [11, 1-2], 2008 йили Абдулмажид Диаб Қоҳирада Ҳусайн Нассор шарҳи билан асарнинг кейинги нашрини [12] ҳамда “Рабиъ ал-аброр” асарининг бугунга қадар яратилган сўнгги замонавий нашри 2020 йилда Қоҳирада Абдуллоҳ Абдусамиъ [13, 1-2] томонидан нашр қилинган. Мазкур нашр “Рабиъ ал-аброр ва фусус ал-

ахбор фи ал-муҳозарот” деб номланади. Бу нашр асарни барча бобларини ўзида жамлаган ва битта катта жилдда нашр қилинган.

Замонавий нашрлар барчасининг кириш қисмида Маҳмуд Замахшарийнинг хаёт йўли, оиласи, диний эътиқоди, туғилган юрти, илмий сафарлари, устоз ва шогирдлари тўғрисидаги маълумотлар билан бошланади. Шундан сўнг асосий қисм асарнинг матни келади. “Рабиъ ал-аброр” асари ҳақидаги тадқиқотларнинг аксариятида Маҳмуд Замахшарий илмий меросига оид маълумотлар қисқа таништирув характеристида берилган.

Ўзбекистонда ҳам асар билан боғлиқ айрим мақолалар ёзилган. Тадқиқотчи Баҳодир Пирмуҳамедовнинг [14, 71-72] илмий мақоласини асар бўйича дастлабки ўзбек тилидаги маълумот сифатида эътироф этиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <https://lex.uz/docs/5854226>
2. To’Raev L. A. O. G. L., Nizomova N. Q. SHARQ ALLOMALARINING DUNYOQARASHIDA TA’LIM-TARBIYA MASALASI //International scientific journal of Biruni. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 16-20.
3. Bahijah Baqir, Biography o f al-Zamakhshari with a criticaledition of a part of Rabi al-Abrar. Ph.D. thesis , Cambridge. 1964.
4. Hüseyin Samancı. Ez-Zemahşerî'nin hayatı ve arap edebiyati alanındaki çalışmaları. Yüksek lisans tezi. Konya 2015.
5. Hasan Yerkazan. AMASYA ÜNİVERSİTESİ İLAHİYAT FAKÜLTESİ DERGİSİ. ISSN: 2147-7256. Sayı/Issue: 8. Amasya 2017
- السيد محمد الحسيني الشيرازي. تذكرة الأخبار في تلخيص ربيع الأبرار. 1420هـ-2000م.
- منهج الزمخشري في كتاب ربيع الأبرار. مصر. 2013. محمد، أسماء حسن.
- ربيع الأبرار ونصول الأخبار 1-4.. تصنيف الإمام محمد بن عمر الزمخشري. تحقيق سليم النعيمي.
- بغداد 1976-1982م - 1432-1428هـ.
- ربيع الأبرار ونصول الأخبار 5-5. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. تحقيق عبد الأمير منها. بيروت 1992م — 1412هـ.
- ربيع الأبرار وفصوص الأخبار. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. تحقيق و دراسة عبد المجيد دياب ؛ مراجعة رمضان عبد التواب. القاهرة 1992م — 1412هـ.
- ربيع الأبرار وفصوص الأخبار في المحاضرات 1-2. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر/zمخشري. تحقيق طارق فتحي السيد. بيروت 2006م — 1426هـ.
- ربيع الأبرار وفصوص الأخبار. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. تحقيق عبد المجيد دياب ؛ مراجعة حسين نصار. القاهرة 2008م — 1428هـ.
- ربيع الأبرار وفصوص الأخبار في المحاضرات 1-2. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. تحقيق عبد الله عبد السميم. القاهرة 2020م — 1440هـ.
14. Б.Пирмуҳамедов. “Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асари ва унинг қўлёзма нусхалари”. Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали. 2002 йил №1.71-72 бет.
15. Тораев Л. Роль нравственных ценностей в духовном наследии Махмуда Замахшари //Востоковедения. – 2018. – Т. 3. – №. 3. – С. 134-138.

## MUNDARIJA

<b>I. SHARQ ALLOMALARI YOZMA MEROSINI TADQIQ ETISH: XORIJIY TAJRIBA, ISTIQBOLLI IZLANISHLAR VA MUAMMOLAR</b>		
<i>QODIROV M.</i>	<i>SHARQ QO'LYOZMALARIDA ARASTU ASARLARINING TALQINI</i>	6
<i>MASHARIPOVA G.</i>	<i>XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI ALLOMALARI TADQIQOT MANBALARINING ASOSIY YO'NALISHLARI VA ULARNING TARIXIY-FALSAFIY TAHLLILI</i>	13
<i>АГЗАМХОДЖАЕВА Ш.</i>	<i>ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ О ФИЛОСОФСКОМ МИРОВОЗЗРЕНИИ О ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ, СОДЕРЖАЩИЕСЯ В ЕГО СОБСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ</i>	19
<i>SAYDALIYEVA N.</i>	<i>ABU NASR FAROBIY HAQIDA — ARAB, FORS VA TURK OLIMLARI ASARLARINING TAHLLILI</i>	25
<i>SULAYMONOV J.</i>	<i>ABU ZAYD ABDURAHMON IBN XALDUNNING "MUQADDIMA" ASARIDA IJTIMOIY FALSAFIY G'OYALAR TAHLLILI</i>	31
<i>IKRAMOVA I.</i>	<i>IBN RUSHDNING "FASL AL-MAQĀL FIYMA BAYNA AL-HIKMATI VA ASH-SHARI'ATI MIN AL-ITTISAL" ASARIDAGI ONTOLOGIK VA GNOSEOLOGIK G'OYALARINING GERMENEVTIK TAHLLIL</i>	37
<i>ТҮРПАЕВ Л.</i>	<i>МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАСИ "РАБИЙ УЛ-АБРОР" АСАРИ МИСОЛИДА</i>	43
<i>JAMAHMATOV K.</i>	<i>SULTON VALAD VA BURHONIDDIN TERMIZIY ASARLARINING QIYOSIY ANALIZI</i>	48
<i>NISHONOV S.</i>	<i>MAMLAKATIMIZDA TA'LIM VA TARBIYA PARADIGMASI ASPEKTIDA SHARQ ALLOMALARI MEROSINING DOLZARB MASALALARI</i>	54
<i>KARIMOV N.</i>	<i>HAKIM TERMIZIYNING ISLOM ILMLARI RIVOJIGA QO'SHGAN HISSASI</i>	59
<i>TOG'AYEV N.</i>	<i>IMOM AL-BUXORIY HADISLARIDA ILM O'RGANISH MASALALARI XUSUSIDA</i>	64
<i>ABDUVAXOBOVA G.</i>	<i>NASIRIDDIN TUSIYNNING VAQT HAQIDAGI QARASHLARI</i>	68
<i>SHAVKATOV SH.</i>	<i>MUHAMMAD RIZO OGARIYNNING "QASIDAI NASIHAT" ASARIDA IJTIMOIY-FALSAFIY G'OYALAR VA ULARNING GERMENEVTIK TAHLLILI</i>	72
<i>ХОЛБОЕВА Р.</i>	<i>УМАР АЛ-ЧАФМИНИЙ ВА АҲМАД АЛ-ФАРГОНИЙ ФАЛСАФИЙ-КОСМОЛОГИК ҚАРАШЛАРИДАГИ БОҒЛИҚЛИК</i>	76
<i>MARDONOVA M.</i>	<i>RUMIY ILMIY FAOLIYATIDA INSON RUHIY TABIATI HAQIDAGI QARASHLARNING IRFONIY TAHLLILI</i>	81
<i>XALILOV A.</i>	<i>ABULQOSIM FIRDAVSIYNNING "SHOHNOMA" ASARIDA ONTOLOGIK VA GNOSEOLOGIK QARASHLAR TAVSIFI</i>	84
<i>DILMURODOV E.</i>	<i>"IRFON" ASARIDA INSON MUAMMOLARINING FALSAFIY VA GERMENEVTIK QARASHLARI</i>	89
<i>SAFAROV M.</i>	<i>ABU ABDULLOH XORAZMIYNNING "MIFTAH UL-ULUM" ASARIDA FANLAR TASNIFI</i>	95
<i>SHOMUQIMOV L.</i>	<i>I. GASPRINSKIYNNING IJTIMOIY TARAQQIYOTNING INTEGRAL MODELINING FALSAFIY TAHLLILI</i>	101
<i>MAMADALIYEVA A.</i>	<i>FARIDUDDIN ATTOR HAYOTI VA FALSAFIY — ADABIY MEROSI</i>	106
<i>ESONALIYEVA G.</i>	<i>SHARQ ALLOMALARI YOZMA MEROSINING JAHON SIVILIZATSIYA JARAYONLARIGA QO'SHGAN HISSASI</i>	111
<i>TURSUNOV R.</i>	<i>FUZULIYGA IZDOSHLIK (NABIXON CHUSTIYNNING TATABBU' VA TAXMISI MISOLIDA)</i>	114
<i>TOJIBOYEV M.</i>	<i>ALIXONTO'R'A SOG'UNIY – ALLOMA VA DAVLAT ARBOBI</i>	117
<i>BANNAYEVA A.</i>	<i>MAHMUD ZAMAXSHARIYNNING HAYOTI VA IJODI HAMDA "ATVOQ UZ-ZAHAB" ASARI</i>	121

**SHARQ ALLOMALARI YOZMA MEROSINING ILMIY, FALSAFIY, MA’NAVIY  
TAFAKKURDAGI O’RNI.** Ilmiy maqolalar to‘plami. Toshkent:TDSHU. 2025. 400 b.

**Mas’ul muharrir:**  
PhD, dotsent **J.B. Sulaymonov**

**Nashrga tayyorlovchi:**  
PhD. **L.A. To’rayev**

**Taqrizchilar:**  
falsafa fanlari doktori, professor **E.M. Izzetova**  
falsafa fanlari doktori, professor **J.S.Ramatov**

Toshkent davlat sharqshunoslik Universitet Kengashi  
tomonidan nashrga tavsiya etilgan  
(2025-yilning 3-mayda bo‘lib o‘tgan 9-sonli majlis qarori).

Nashrga ruxsat berilgan 20.05.2025.  
Toshkent davlat sharqshunoslik  
universiteti mini-nashriyotida chop etilgan.  
Toshkent, Amir Temur ko‘chasi, 20.

© Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, 2025.